

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАРИНИНГ БАҲОЛАРИ  
БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИАТЛАРИ**

*Гадоев Сўхроб Жумакулович*

*Термиз давлат университети*

*Молия кафедраси мудури*

[suhrob.gadoev.81@mail.ru](mailto:suhrob.gadoev.81@mail.ru)

Ўзбекистон Республикасининг банк тизмини ислоҳ қилишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясида “Молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, етарли даражада хизмат кўрсатилмаётган сегментлар (кам даромадли жисмоний шахслар, қишлоқ аҳолиси, микрофирма ва кичик корхоналар) учун банкнинг базавий хизматларидан (депозит, кредит ва тўлов хизматлари) фойдаланиш имкониятини кенгайтириш” эътироф этилган<sup>1</sup>. Бу эса, тижорат банклари кредитларининг баҳолари барқарорлигини таъминлаш йўллари заруриятини юзага келтиради.

Тижорат банклари кредитларининг баҳоларига баҳо бериш учун улар томонидан берилган миллий валютадаги банк кредитлари бўйича фоиз ставкаларини (ўртача тортилган фоиз ставкалари, йиллик ҳисобда) имтиёзли кредитлар ва микроқарзлар бўйича фоиз ставкаларни ҳисобга олмаган ҳолда кўрсаткичларни таҳлил қиламиз.

**1-жадвал**

**Миллий валютадаги банк кредитлари бўйича фоиз ставкалари (ўртача тортилган фоиз ставкалари, йиллик ҳисобда)<sup>2</sup>, фоизда**

| Кредит муддати ва тури   | 20       | 20       | 20       |
|--------------------------|----------|----------|----------|
|                          | 20 йил   | 21 йил   | 22 йил   |
| Жами кредитлар бўйича    | 22,<br>3 | 20,<br>8 | 21,<br>9 |
| Қисқа муддатли кредитлар | 22,<br>1 | 21,<br>3 | 22,<br>1 |
| Узоқ муддатли кредитлар  | 22,<br>5 | 20,<br>6 | 21,<br>7 |

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони. 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизimini ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.10.2021 й., 06/21/6325/0972-сон; 30.12.2021 й., 06/21/42/1224-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон; 10.06.2022 й., 06/22/152/0507-сон; 27.04.2023 й., 06/23/62/0232-сон.

<sup>2</sup> Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, миллий валютадаги қисқа муддатли кредитлар фоиз ставкаси 2020-2022 йиллар давомида ўртача 22,2 фоизни ташкил этган. 2020-2022 йиллар давомида бир хил фоиз ставкани сақлаб қолган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, миллий валютадаги узоқ муддатли кредитлар фоиз ставкаси 2020-2022 йиллар давомида ўртача 21,6 фоизни ташкил этган. Узоқ кредитлар фоиз ставкаси 2021 йил 2020 йилга нисбатан 1,9 пункгга камайган. Ўз навбатида, 2022 йил 2021 йилга нисбатан 1,1 пункгга кўтарилган. Бу эса, мазкур даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси, инфляциянинг йиллик даражаси ва банк депозитлари бўйича фоиз ставкалари билан боғлиқ.

## 2-жадвал

**Миллий валютадаги банк депозитлари бўйича фоиз ставкалари (ўртача тортилган фоиз ставкалари, йиллик ҳисобда)<sup>3</sup>, фоизда**

| Депозит муддати ва тури  | 2        | 2        | 2        |
|--|----------|----------|----------|
|  | 020 й.   | 021 й.   | 022 й.   |
| 1 йилгача бўлган жами муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари      | 1<br>6,3 | 1<br>5,5 | 1<br>6,4 |
| 1 йилдан юқори бўлган жами муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари | 1<br>6,8 | 1<br>7,1 | 1<br>9   |

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, миллий валютадаги 1 йилгача бўлган жами муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари 2020-2022 йилларда ўртача 16,1 фоизни ташкил этган. 2021 йил 2020 йилга нисбатан 0,8 пункгга пасайган, 2022 йил 2021 йилга нисбатан 0,9 пункгга ошган.

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, миллий валютадаги 1 йилдан юқори бўлган жами муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари 2020-2022 йиллар давомида сезиларли даражада ўсиб борган. Бу эса, республикамизда инфляция даражаси ва қайта молиялаш ставкасининг юқорилиги билан изоҳланади.

2020-2022 йилларда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси нисбатан юқори бўлиб, 14 фоиздан пастга тушмаган. Бу эса, мазкур даврда инфляция даражасининг юқори бўлганлиги билан изоҳланади, чунки, инфляция даражаси юқори бўлган шароитда Марказий банк ўзининг қайта молиялаш ставкасини пасайтира олмайди. Бундай шароитда Марказий банкнинг қайтв молиялаш ставкасининг пасайтирилиши инфляция даражасининг янада ошишига олиб келади.

<sup>3</sup> Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

2020-2022 йилларда республикамызда инфляция даражаси юқори бўлган. Бунинг устига, инфляция даражаси 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

Фикримизча, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларига нисбатан инфляцион босимни камайтириш мақсадида, биринчидан, инфляциянинг мақсади кўрсаткичига эришишни таъминлаш керак; иккинчидан, давлат бюджети дефицитини инфляцион манбалар ҳисобидан қопланиш амалиётига чек қўйиш йўли билан пул массасининг ўсиш суръатини пасайтириш зарур; учинчидан, давлат бюджетининг иқтисодий ривожлантириш харажатларини давлат буюртмаси ҳажмини ошириш орқали кўпайтириш йўли билан кредитларнинг фоиз ставкаларини пасайтиришга кўмаклашиш керак.

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони. 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.10.2021 й., 06/21/6325/0972-сон; 30.12.2021 й., 06/21/42/1224-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон; 10.06.2022 й., 06/22/152/0507-сон; 27.04.2023 й., 06/23/62/0232-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолияти тўғрисида ҳисоботлар. – Тошкент, 2018, 2019, 2020, 2021, 2022. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)